

# Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medicine



## SUD TIBBIYOTIDA YANGI KUN ILMIY-REFERATIV JURNAL



2025  
№1



<b>№</b>	<b>FISH</b>	<b>Ish joyi</b>	<b>Ilmiy darajasi va unvoni</b>
<b>Tahririyat kengashi</b>			
1	Sh.I.Ro‘ziyev.	<b>Bosh muharrir</b> Respublika sud tibbiy ekspertiza ilmiy- amaliy markazi direkori	t.f.d., professor.
2	S.A.Hakimov	<b>ИЛМИЙ КОТИБ</b> Respublika sud tibbiy ekspertiza ilmiy- amaliy markazi	P.h.D., dots.
<b>Tahririyat hay'ati a'zolari</b>			
3	S.I.Indiaminov	Respublika sud tibbiy ekspertiza ilmiy- amaliy markazi	t.f.d., prof.
4	Z.A.Giyasov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
5	X.Z.Tursunov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
6	D.A.Nishonov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
7	O.I.Xvan.	Respublika sud tibbiy ekspertiza ilmiy- amaliy markazi	t.f.d., dots.
8	A.S.Masharipov	Respublika sud tibbiy ekspertiza ilmiy- amaliy markazi	t.f.d., dots.
9	Sh.E.Islamov	Samarqand Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., dots.
10	M.A.Xasanova	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., dots.
11	I.I.Baxriev	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.n., dots.
12	X.X.Yakubov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.n., dots.
13	D.K.Najmutdinova	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
14	B.U.Iriskulov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
	M.Sh.Hakimov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
15			

16	A.O.Oxunov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
17	A.A.Xamraev	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
18	F.O.Akilov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
19	Sh.A.Zufarova		t.f.d., prof.
20	B.T.Daminov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
21	Sh.E.Omonov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
22	Sh.E.Axmedov	?	t.f.d., prof.
23	I.R.Yuldashev	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
24	D.T.Ashurova	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
25	J.B.Cattorov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
26	X.A.Rasulov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
27	G.I.Shayxova	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
28	J.A.Jo'raev	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.
29	M.F Eliyeva	Respublika sud tibbiy ekspertiza ilmiy-amaliy markazi	t.f.d., dots.
30	A.U Umarov	Respublika sud tibbiy ekspertiza ilmiy-amaliy markazi	P.h.D
31	E.A Eshboyeva		t.f.d., prof.
32	A.A Sidikov	Farg'ona Jamoat Salomatligi Instituti	t.f.d., prof.
33	K.N Hayitov	Toshkent Davlat Tibbiyot Universiteti	t.f.d., prof.

# BUYRAK USTI BEZLARINING MORFOFUNKTSIONAL HOLATINI AYRIM ZO‘RAKI O‘LIM HOLATLARIDA BAHOLASH

Baxriyev Ibroxim Isomadinovich<sup>1</sup>, Rayimberdiyev Suxrob Abduxalil o‘g‘li<sup>2</sup>,  
Yeshmuratov Baltabay<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Toshkent tibbiyot akademiyasi (Toshkent, O‘zbekiston)

<sup>2</sup>Andijon davlat tibbiyot instituti (Andijon, O‘zbekiston)

**Annotatsiya.** Maqolada kalla-miya shikastlanishi natijasida zo‘raki o‘lim holatlarida inson buyrak usti bezlarining morfofunktsional reaksiyasini qiyosiy o‘rganish natijalari yoritirilgan. Mexanik shikastlanish natijasida vafot etgan shaxslarda miya variantli tanatogenezdin vafot etganlarda buyrak usti bezlarining patomorfologik xususiyatlari taqqoslandi. Buyrak usti bezlari reaksiyasining morfologik farqlari aniqlandi. Kalla-miya shikastlanishidan o‘lim holatlarini tashxislashda buyrak usti bezlarining morfofunktsional holatini baholash qo‘shimcha sud-tibbiy mezon sifatida foydalanish taklif etiladi.

**Kalit so‘zlar:** kalla-miya jarohati, buyrak usti bezlari, morfologiya, sud-tibbiy tashxislash.

**Аннотация.** В статье приведены результаты сравнительного исследования морфофункциональной реакции надпочечников человека в случаях насильственной смерти, вызванной черепно-мозговой травмой. Сравнены патоморфологические характеристики надпочечных желез у умерших мозговым вариантом танатогенеза людей, погибших от механической травмы. Выявлены морфологические отличия ответной реакции надпочечников. Предложено использование оценки морфофункционального состояния надпочечников в качестве дополнительных судебно-медицинских критериев диагностики смерти от черепно-мозговой травмы.

**Ключевые слова:** черепно-мозговая травма, надпочечники, морфология, судебно-медицинская диагностика.

**Abstract.** The article presents the results of a comparative study of the morphofunctional response of the human adrenal glands in cases of violent death caused by traumatic brain injury. The pathomorphological characteristics of the adrenal glands in people who died with a cerebral variant of thanatogenesis, who died from a mechanical injury, are compared. Morphological differences in the response of the adrenal glands were revealed. It is proposed to use the assessment of the morphofunctional state of the adrenal glands as additional forensic criteria for diagnosing death from a traumatic brain injury.

**Key words:** traumatic brain injury, adrenal glands, morphology, forensic medicine diagnosis.

**Dolzarbli.** Bugungi kunda endokrin tizim organlarining turli xil patologik omillar ta’sirida yuzaga keladigan shikastlanishlari va strukturaviy o‘zgarishlarini o‘rganishga qiziqish ortib bormoqda, bu organizmda stress reaksiyalarini keltirib chiqaradigan tabiatan fiziologik va ruhiy ta’sir qiladi, hamda turli patogenetik holatlar asosiga aylanishi mumkin. Stress omilining salbiy ta’siri uning kuchiga, qo‘zg‘atuvchining davomiyligi yoki takrorlanishiga, shuningdek, haddan tashqari stressga uchragan organizmning reaktivligiga bog‘liq. Shuning uchun bir xil stressor turli insonlarda turli xil oqibatlarga olib kelishi va namoyon bo‘lishi mumkin [3, 8].

Bir tomondan, stress reaksiyasi tananing himoya mexanizmlarini keyinchalik qayta shakllanish bilan tashqi omillar ta’siri ostida tananing qarshiligiga erishish va moslashuvchanlik usuli sifatida ko‘rib chiqilishi mumkin. Ikkinchi tomondan, stress organlar va ularning tizimlariga zararli ta’sir ko‘rsatadigan omil bo‘lishi mumkin, bu esa oxir-oqibat patologiya rivojlanishiga olib keladi [1, 2, 6, 10].

Tanaga doimiy stressning ta'siri marker-organlar massasining o'zgarishiga, stressga javob beradigan gormonlar kontsentratsiyasining o'zgarishiga va insonning umumiy jismoniy holatining yomonlashuviga olib keladi. Turli organlar va tizimlarga keng ko'lamli gormonal ta'sirga ega bo'lgan endokrin tizim tananing atrof-muhit omillari ta'siriga va o'zgaruvchan tashqi sharoitlarga moslashish jarayonlariga javob qaytarishda asosiy o'rin tutadi [2, 4, 9].

Buyrak usti bezining gistologik reaksiyasini o'rganish uning ko'plab funksiyalarini hisobga olgan holda, rivojlanayotgan patologiyani korrektsiyalash usullarini ishlab chiqishda va gistologik o'zgarishlardagi farqni solishtirish qobiliyatida keng qo'llanilishi mumkin, bu uning funktsional holatini aks ettiradi va uni diagnostika mezonlari sifatida qo'llanilishiga imkon beradi [1, 3, 5, 7].

Moslashuv tizimi organlarining gistologik tuzilishini o'rganish organizm darajasida yuzaga keladigan kompensator-adaptiv jarayonlarning muvaffaqiyatsizligi sabablarini yaxshiroq tushunishga imkon berishiga shubha yo'q. Bu adaptiv tizimning eng muhim tarkibiy qismlaridan biri bo'lgan buyrak usti bezlari uchun to'liq amal qiladi. Bundan tashqari, ushbu organning to'qima reaksiyasini o'rganish, uning ko'p qirrali funksiyalarini hisobga olgan holda, tuzatish usullarini ishlab chiqish uchun keng qo'llanilishi mumkinmi? Rivojlangan patologiya va organning funktsional holatini aks ettiruvchi gistologik ko'rinishi farqlarni solishtirish qobiliyati uni diagnostika mezonlari sifatida qo'llanilishiga imkon beradi [2, 5, 6, 7, 10].

Immun, asab va endokrin tizimlar o'rtasida integratsiya aloqalari mavjudligini va umumiy gomeostazni tartibga solish va tananing o'zgaruvchan sharoitlariga moslashishi uchun ularni yagona neyroimmunoendokrin tizimga birlashtirishni asoslaydigan psixonevroimmunologiya sohasidagi mujassamlashtirilgan bilimlar majmuasini inobatga olgan holda tashqi va ichki muhit, travmatik kasallikning immunopatogenezi masalalarini ishlab chiqishda tizimli tamoyillar va yondashuvlardan foydalanishni talab qiladi [6, 7].

JSST statistik ma'lumotlariga ko'ra, kalla-miya shikastlanishi (KMSH) yiliga o'rtacha 2%ga oshib, jarohatlar umumiy strukturasi 50-70%ni tashkil qiladi. Shikastlanishlarning o'sishi sanoat va yo'l jarohatlari va jangovar jarohatlar nisbati ortib borayotgani bilan bog'liq. Qurbon bo'lganlarni asosan yosh mehnatga layoqatli insonlar tashkil etib, ularning deyarli uchdan bir qismi nogironligicha qolmoqda. Bundan tashqari, KMSH o'lim darajasida etakchi o'rinlardan birini egallaydi, bu barcha travmatik jarohatlarning 40-55%ni tashkil qiladi [7, 9, 10].

So'nggi yillarda kalla-miya shikastlanishida adaptiv-kompensator mexanizmlarning funktsional holatini o'rganishga katta e'tibor qaratilmoqda. Og'ir kalla-miya shikastlanishidan keyin asosiy gomeostatik tizimlarga zarar etkazish ehtimoli shikastlanishning og'irligiga, tananing reaktivligi va qarshilik darajasiga, metabolik xususiyatlarga, endokrin va immunitetni tartibga solish holatiga qarab ko'rsatiladi [6].

**Tadqiqot maqsadi.** Buyrak usti bezlarining morfologik o'zgarishlarini baholash orqali ayrim zo'raki o'lim holatlarini sud tibbiy tashxislashni takomillashtirishdan iborat.

#### **Tadqiqot materiali va usullari.**

Tadqiqot Andijon tibbiyot instituti patologik anatomiya va sud tibbiyoti kafedrası va RSTEIAM Andijon filiali morfologiya bo'limida 2020-2024 yillarda tekshirilgan 78 zo'raki o'lim va 18 yurak-qon tomir kasalliklari natijasida o'lim holatlarida buyrak usti bezining morfologik xususiyatlari o'rganildi.

Morfologik tekshirish usuli.

- gematoksilin va eozin bilan bo'yash orqali umumiy morfologik tadqiqot;

- gistokimyoviy tadqiqotlar: Shiff usulida rivojlanish jarayonida xujayra ichi va xujayralardan tashqarida to'plangan nordon mukopolisaxaridlarni aniqlash;

- Van-Gizon usuli bilan biriktiruvchi to'qimalarni aniqlash.

Immunogistokimyoviy tadqiqot natijalarini taxlil qilishda hozirgi paytda ilg'or innovatsion texnologiyalar asosida yaratilgan QuPath 0.4.0. url. dasturiy ta'minoti orqali 2 tekislikda ko'rsata oladigan tizimdan foydalanildi. Eslatib o'tamiz, butun dunyo patomorfologlari tomonidan o'zaro ma'lumotlarni Hystoscan portali orqali almashinishda NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS/431-3196JAPAN), NDP.VIEV 2.0., QuPath.0.4.0.url., dasturlaridan ommaviy ravishda foydalaniladi.


- morfometrik tekshirishlar (NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS/431-3196 JAPAN)da skaner kilindi va miqdoriy o'zgarishi o'rganildi;

- olingan raqamli ma'lumotlar statistik qayta taxlil qilindi.

Morfometrik tekshirish usuli.


Morfometrik tekshirish uchun buyrak usti bezlari to'qimalarni IGX tekshiruvlaridan olingan mikropreparatlarni bo'yalish intensivligi baholangan va taxlil natijalari tasdiqlangan materiallardan mikrotasvirlar skaner qilindi. Morfodinamikada sutkasiga bog'liq ravishda buyrak usti bezi to'qimasida yuzaga keladigan morfologik o'zgarishlarni xujayralar va tolali tuzilmalarning bir biriga nisbati va egallagan maydonlarining xajmi, ikkita tekislik bo'yicha morfometrik o'lchangan kattaliklarini aniq bir chegaradagi traektoriyasini raqamlar orqali ifodalash uchun asos qilib olindi. Morfometrik ko'rsatkichlarini aniqlash mazkur jarayonda to'qima gistioarxitektonikasini sifatiy o'zgarishlar lokalizatsiyasini aniqlashga xizmat qiladi. Postnatal ontogenezda buyrak to'qtimasida yuzaga kelgan o'zgarishlarni ma'lum bir vaqt oralig'ida to'qima tuzilmalari shakllanganlik darajai, morfofunktsional faol maydonlarning egallagan yuzasi va boshqa o'zgarishlarni raqamlar orqali ifodalash imkonini beradi. To'qima tuzilmalarini o'lchashda, 5-7 mkmda olingan kesmalar 20x ob'ektivda skaner qilindi. Olingan mikrotasvirlarni morfometrik dasturiy ko'rsatkichlar orqali olingan kattaliklar mkmda va % larda ko'rsatildi.

**Tadqiqot natijalari va muhokamasi.** Tadqiqot jarayonida gipertoniya kasalligi bilan xastalanib vafot etgan bemorlar buyrak usti bezining quyidagi morfologik o'zgarishlari aniqlandi. Buyrak usti bezi ko'ptokchali sohasidagi epiteliy hujayralarining surunkali gipertrofiyasi. Buyrak usti bezi po'stloq qavatining tutamli sohasi hujayralari glyukokortikoid gormonlarining ko'p miqdorda ishlab chiqarishi natijasida, hajmining kattalashgani, sitoplazmasida turli darajadagi och bo'yaladigan kiritmalarning ko'payishi aniqlanadi (1-rasm).



Rasm 1. Buyrak usti bezi kapsulasi qalinlashgan, tomirlarida notekis to‘laonlik (1), po‘stloq qavati koptokchali sohasidagi bazofil bo‘yalgan (aldosteron ishlab chiqaruvchi) hujayralar aniqlanadi (2), koptokchali sohasi qon tomirlari kengaygan, to‘laonli ko‘rinishda (3), koptokchalar oralig‘ida har xil darajada rivojlangan interstitsial shish (4).  
Bo‘yoq G-E. 10x10.


Po‘stloq qavati koptokchali sohasi epiteliylarida juda ko‘plagan bazofil bo‘yalgan tanachalar aniqlanadi, bu o‘zgarish gipertoniya kasalligida aldosteron ishlab chiqarilishining oshganligidan dalolat beradi. Koptokchalar atrofidagi tomirlarda to‘laonlik belgilari kuzatiladi. Hujayralarning har xil kattalikdagi gipertrofiyalanishi natijasida koptokcha ko‘rinishidagi tuzilmalarning shakli o‘zgarib, koptokchalararo noto‘g‘ri shakldagi bo‘shliqlar hosil bo‘ladi (2-rasm).




Rasm 2. Po‘stloq qavati koptokchalari sitoplazmasida turli darajadagi bazofil bo‘yalgan kiritmalar (1) aniqlanadi, kapillyarlar to‘laonli ko‘rinishda (2). Bo‘yoq G-E. 40x10.

Buyrak usti bezining tutamli va to‘rsimon sohalarida o‘zgarishlar asosan tutamli sohasida aniqlanadi. Tutamli sohalarida ko‘plab tsitoplazmasida to‘rsimon yacheykali ko‘rinishdagi lipidli kiritmalar (glyukokortikoidlar)ning ko‘payishi bilan xarakterlanadi. Gipertoniya kasalligining 3-4 darajalari bilan kasallangan bemorlar buyrak usti bezlarining tutamli sohalari hujayralarining giperfunksiyasi nekroz va nekrobioz jarayonlarining rivojlanishigacha, kapillyarlarda to‘laonlikning rivojlanishiga olib

keladi (3-rasm). Bu o'zgarishlar kiritmalarning oshib ketishiga va hujayralarning ko'pikli ko'rinishga (penistie kletki) va oxir oqibatda nekrozga olib keladi. Natijada nekroz o'chog'i atrofida yallig'lanish infiltratlari hosil bo'lishigacha olib keladi (4-rasm).




Rasm 3. Tutamli sohasida yiriklashgan va tsitoplazmasida har xil kattalikdagi to'rsimon lipidli ko'rinishdagi kiritmalar (glyukokortikoid gormonlar) aniqlanadi (1), ayrim hujayra yadrolari giperxromli ko'rinishda (2), kapillyarlarda to'laonlik (3) aniqlanadi.  
Bo'yoq G-E. 40x10.




Rasm 4. Buyrak usti bezi mag'iz qavati hujayralari yadrolari giperxromli ko'rinishda (1), shakllanayotgan bezli tuzilmalar (2), kapillyarlarida keskin to'laonlik (3), nekrozga uchragan o'choqlar ham aniqlanadi (4). Bo'yoq G-E. 40x10.

Shu jumladan buyrak usti bezi mag'iz qavatida, yirik bazofil bo'yalgan katexolaminlarni ishlab chiqaruvchi hujayralarning gipertrofiyasi va giperplaziyasi aniqlanadi. Gipertoniya kasalligining og'ir formalarida (3-4 darajali), mag'iz qavatida giperxrom bo'yalgan hujayralarning ko'payishi, to'qima gistioarxitektonikasi o'zgarishiga olib keladi. Mag'iz hujayralarining giperplaziyasi va bezsimon tuzilmalarning paydo bo'lishi adenomatoz giperplaziyalarning shakllanishi bilan xarakterlanadi (5 va 6-rasmlar).




Rasm 5. Buyrak usti bezi kapsulasi qalindlashgan va titilgan (1), po‘stloq qavati ko‘ptokchali gipertrofiyaga uchragan (2), tutamli va to‘rsimon zonalarida hujayralari umumiy fonda to‘q bo‘yalgan (3), mag‘iz qavatida enterokromaffin hujayralarining bezli giperplaziyasi ko‘rinishida shakllangan (4). Bo‘yoq G-E. 4x10.



Rasm-6. Buyrak usti bezi mag‘iz qavatida bazofil hujayralari giperxromli (1), bezli struktura shakllangan (2). Bo‘yoq G-E. 40x10.

Mag‘iz qavatida joylashgan markaziy vena qon tomirlari devori mushaklarining giperplaziyasi va arterial tomirlar devorining gialinozi bilan rivojlanadi. Agar jarayon surunkali tarzda davom etganda, siyrak tolali tuzilmalarning ko‘payishi va hujayralarda distrofik va nekrotik o‘zgarishlar aniqlanadi. Natijada mayda kalibrli qon tomirlar traektoriyasi bo‘yicha siyrak tolali biriktiruvchi to‘qima shakllanishiga olib keladi.


Morfologik tadqiqot natijalari og‘ir bosh miya jarohatlari fonida buyrak usti bezlarida ayrim distsirkulyator, distrofik-nekrotik va disregenerativ o‘zgarishlarning rivojlanishini ko‘rsatdi. Shu bilan birga, bu patomorfologik o‘zgarishlar po‘stloq qavatining ko‘ptokchali va tutamli zonalarida ko‘proq namoyon bo‘ladi va parenxima hujayralarining bo‘shashishi, vakuolizatsiyasi va ba’zi joylarda to‘liq buzilishi bilan namoyon bo‘ldi. Ko‘ptokchali zona adrenokortikotsitlarning vakuolyar distrofiyasi va nekrozi hisobiga o‘zining tipik tuzilishini deyarli to‘liq yo‘qotadi (7-rasm).



Rasm 7. Koptokchali zona, stroma shishi, adrenokortikotsitlar vakuolizatsiyasi. Bo‘yoq: G-E. X: 10x20.

Buyrak usti bezlarining tutamli va koptokchali zonalari orasidagi parenxima hujayralarining vakuolizatsiyasi tufayli oraliq to‘qima va tomirlar kengayadi va shishadi, ayrim joylarda mayda o‘choqli qon quyilishlar paydo bo‘ladi. Kapsulada, ayrim joylarda yosh limfogiotsitar hujayralar proliferatsiyasi hisobiga, uning biriktiruvchi to‘qima qatlamlarining biroz qalinlashishi, biriktiruvchi to‘qimalarning parenximaga qarab o‘sishi kuzatiladi.

Tutamli zonada yuqorida tavsiflangan patomorfologik distrofik-destruktiv o‘zgarishlar aniqroq bo‘lib, adrenokortikotsitlarning tutamli joylashishini butunlay yo‘qatadi. Agar ayrim zonalarda parenxima hujayralarining vakuolizatsiyasi to‘liq parchalanish va nekrozlanishgacha borsa (8-rasm), boshqa sohalarda adrenokortikotsitlar tor balkalar hosil qilgan hujayralarning giperxromli regenerativ to‘planishi, ular orasida tomirlar va biriktiruvchi to‘qima stromasi kengaygan va shishgan ko‘rinishda bo‘ladi. Shu bilan birga, buyrak usti bezlarining to‘rsimon zonasi parenximaning retikulyar tuzilishini nisbatan saqlab qoladi, ammo qon tomirlarning bir oz kengayishi va stromaning shishi qayd etiladi.




Rasm 8. Tutamli zonadagi parenximaning parchalanish va qon quyilish o‘choqlari. Bo‘yoq: G-E. X: 10x20.

Adrenokortikotsitlar sitoplazmasida kichik vakuolyar hosilalar mavjudligi

aniqlanadi. Mag'iz qavatida interstitsiyaning ko'rinarli distsirkulyator va bo'kishli o'zgarishlari o'choqli shishish va qon quyilishi ko'rinishida namoyon bo'ladi. Mag'iz qavatining feoxromotsit hujayralari tomonidan ushbu hujayralarning faolligi va giperplaziyasi ularning proliferativ o'choqlar shakllanishi bilan qayd etildi.


Bosh miya qo'shma jarohatlarida buyrak usti bezlarining po'stloq va mag'iz qatlamlari gistostrukturasining yanada aniqroq shikastlanishi qayd etildi. Po'stloq qatlamda biriktiruvchi to'qima stromasi va qon tomirlarining dissirkulyatsiya hamda shish rivojlanishining kuchayishi kuzatildi. Shu bilan birga, yosh biriktiruvchi to'qima hujayralari va tolalarida proliferativ o'zgarishlar tufayli kapsulaning qalinlashishi aniqlandi. Parenxima hujayralari tomonidan adrenokortikotsitlarning regenerativ faolligi oshishi qayd etildi. Ayrim sohalarda sitoplazmasida aniq distrofik buzilishlarsiz giperxrom yadrolari faol hujayralar o'choqlari paydo bo'ldi (9-rasm).



Rasm. 9. Buyrak usti bezi po'stloq qavatining ko'ptokchali zonasida shishning kuchayishi, regeneratsiya o'choqlarining shakllanishi. Bo'yoq: G-E. X: 10x20.

Tutamli zonada distsirkulyatsiya va distrofik o'zgarishlar darajasi yanada kuchli rivojlangan. Parenxima hujayralarining to'plamlari orasida stromaning shish paydo bo'lishi bilan tavsiflanadi. Adrenokortikotsitlarning asosiy qismi cho'zilgan trabekulalar shaklida o'zining tipik tuzilishini saqlab qolmaydi. Mag'iz qavatida interstitsiyaning shishi, feokromotsitom hujayralarda distrofik o'zgarishlar va qon quyilish o'choqlari kuzatiladi.

Buyrak usti bezlarini mikroskopik tekshirish natijalari shuni ko'rsatdiki, oldingi guruhlardan farqli o'laroq, buyrak usti bezlarining po'stloq qatlamida o'tkir distsirkulyator va distrofik-destruktiv o'zgarishlar maksimal darajada namoyon bo'ladi va shish tufayli interstitsial to'qimalarning kengayishi kuzatiladi. Bezning ko'ptokchali zonasida adrenokortikotsitlarning kuchli giperplaziyasi va regeneratsiya o'choqlarining hosil bo'lishi kuzatiladi. Ularning yadrolari giperxromatik dumaloq shaklda, sitoplazmasi nisbatan tor bo'lib, vakuolyar o'zgarishlarsiz ko'rinadi. Interstitsial to'qimada biriktiruvchi to'qima qatlamlarining oz miqdorda qalinlashishi va tolali tuzilmalarning ko'payishi kuzatiladi (10-rasm).



Rasm 10. Po'stloq qavati tutamli zonasida adrenokortikotsitlarning kuchli destruksiyasi. Bo'yoq: G-E. X: 10x40.

Po'stloq qavatining tutamli zonasida balkalararo bo'shliqning kengayishi bilan ayrim o'choqli shish ko'rinishida kuzatiladi, shuningdek adrenokortikotsitlar balkali va tutamli o'z tuzilmalarini saqlab qoladi, sitoplazmada esa vakuolyar tuzilmalar aniqlanmaydi. Ulardan ayrimlarining ham sitoplazma, ham yadro tuzilmalari faol regenerativ o'zgargan holatida bo'yalgan.

**Xulosa.** Shunday qilib, og'ir bosh miya jarohati fonida buyrak usti bezlarida kuchli diskirkulyator, distrofik-destruktiv o'zgarishlar shakllanadi, ushbu o'zgarishlar po'stloq qavatining ko'ptokchali va tutamli zonalarida kuchli rivojlanib, mag'iz qavatida esa shishli o'zgarishlar bilan birga feoxromatotsitom hujayralarning aktivatsiyasi kuzatiladi. Bosh miya qo'shma jarohatlarida distsirkulyator o'zgarishlar va shish rivojlanishi bilan kuzatilishi alohida belgilandi, ammo po'stloq qatlamda adrenokortikotsitlarning vakuolyar o'zgarishlar o'choqlari saqlandi.

Shu bilan birga, distsirkulyator o'zgarishlar va shish rivojlanining kuchayishi qayd etildi, parenxima hujayralarining faol destruksiyasi, ayniqsa po'stloq qavatiining ko'ptokchali zonasida nekroz, destruksiya va qon quyilishi o'choqlarining shakllanishi bilan kuzatildi. Olingan natijalar bosh miya jarohati natijasidagi o'lim holatlarida shikastlanishning tanatogenezi bo'yicha sud-tibbiy xulosasining ishonchliligini oshirish uchun qo'llanilishi mumkin, bu esa bosh miya jarohatidan vafot etgan yoki unga gumon qilingan shaxslar murdalarining buyrak usti bezlarini mikroskopik tekshirishga yuborish maqsadga muvofiqligini ko'rsatadi.

### Adabiyotlar

1. Автандилов Г.Г. Основы количественной патологической анатомии: учебное пособие / Г.Г.Автандилов. - М.: Медицина, - 2002. - 240 с.
2. Алябьева С.Ю. Клинико-морфологические параллели клинических проявлений артериальной гипертензии и параметров морфофункционального состояния надпочечников //Сиб. мед. журн., - 2011, № 1, - С. 91-93.
3. Баранова Т.Ю. Функциональная морфология гипоталамо-гипофизарно-надпочечниковой системы при остром инфаркте миокарда //Дисс... канд. мед. наук. М.: - 2008 - 229 с.
4. Падеров Ю.М., Алябьев Ф.В., Калянов Е.В., Роговская Ю.В. Статистическая интерпретация некоторых морфофункциональных параметров надпочечников

человека в судебно-медицинской диагностике скоропостижной смерти //Вероятностные идеи в науке и философии: Материалы региональной научн. конф. 23-25 сентября 2003 г. Новосибирск, - 2003. - С. 186-187.

5. Пиголкин Ю.И., Должанский О.В., Громова Т.М. Судебно-медицинская оценка морфологических изменений миокарда и гипоталамо-гипофизарно-надпочечниковой системы при внезапной сердечной смерти //Судебно-медицинская экспертиза, - 2012, - №2, - С. 13-17.
6. Прошина Ю.В. Структура аденогипофиза и надпочечников при тяжелой черепно-мозговой травме //Российский медико-биологический вестник, Рязань, - 2006. - №3. - С. 24-28.
7. Челноков В.С., Ильина Е.В. Патоморфологические изменения при черепно-мозговой травме // Судебно-медицинская экспертиза. - 2001. - №1. - С. 7-9.
8. Ishikawa T., Yoshida C., Michiue T. et al. Immunohistochemistry of catecholamines in the hypothalamic-pituitary-adrenal system with special regard to fatal hypothermia and hyperthermia //Leg Med (Tokyo). - 2010. - Vol. 12. - №3. - P. 121-127.
9. Rivest S. How circulating cytokines trigger the neural circuits that control the hypothalamo - pituitary - adrenal axis //Psychoneuroendocrinology. - 2001. - №26. - P. 761- 788.
10. Yoshida C., Ishikawa T., Michiue T. et al. Postmortem biochemistry and immunohistochemistry of chromogranin A as a stress marker with special regard to fatal hypothermia and hyperthermia //Int J Legal Med 2011; 125: 1: 11-20.

## **ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШЛАРНИ СУД ТИББИЙ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

*<sup>1</sup>К.И.Икрамов, <sup>2</sup> Ш.И.Рўзиев,*

<sup>1</sup> Тошкент педиатрия тиббиёт институти Анатомия, патологик анатомия кафедраси ассистенти,(PhD) мустақил изланувчиси

<sup>2</sup>Тошкент педиатрия тиббиёт институти Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси профессори, т.ф.д.

**Аннотация:** гиёҳванд моддалардан воситалардан ўткир ва сурункали заҳарланишлар оқибатида бир қатор аъзоларда жумладан талокда морфологик ўзгаришларни экспертлар томонидан баҳолаш самарадорлигига эришиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Гиёҳванд моддалардан ўткир заҳарланишлар оқибатида, жигардаги морфофункционал зоналарида руй берадиган морфометрик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, талокда содир бўлган ўзгаришларни миқдорий таҳлилини ўтказиш, ушбу заҳарланишда асосий танатоген босқичларини суд - тиббий баҳолашдан иборат.

**Калит сўзлар:** гиёҳванд, талок, патоморфологик ўзгаришлар, заҳарланишлар.

## **ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШЛАРНИ СУД ТИББИЙ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

*<sup>1</sup>К.И.Икрамов, <sup>2</sup> Ш.И.Рўзиев,*

<sup>1</sup> Тошкент педиатрия тиббиёт институти Анатомия, патологик анатомия кафедраси ассистенти,(PhD) мустақил изланувчиси

<sup>2</sup>Тошкент педиатрия тиббиёт институти Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси профессори, т.ф.д.

**Аннотация:** гиёҳванд моддалардан воситалардан ўткир ва сурункали заҳарланишлар оқибатида бир қатор аъзоларда жумладан талокда морфологик ўзгаришларни экспертлар томонидан баҳолаш самарадорлигига эришиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Гиёҳванд моддалардан ўткир заҳарланишлар оқибатида, жигардаги морфофункционал зоналарида руй берадиган морфометрик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, талокда содир бўлган ўзгаришларни миқдорий таҳлилини ўтказиш, ушбу заҳарланишда асосий танатоген босқичларини суд - тиббий баҳолашдан иборат.

**Калит сўзлар:** гиёҳванд, талок, патоморфологик ўзгаришлар, заҳарланишлар.

## **КРИТЕРИИ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ ОТРАВЛЕНИИ НАРКОТИКАМИ**

**1.К.И.Икрамов, 2. Ш.И.Рузиев,**

**1.Ассистент кафедры анатомии, патологической анатомии Ташкентского педиатрического медицинского института, (PhD) независимый научный сотрудник**

**2.Ташкентский педиатрический медицинский институт, профессор кафедры судебной медицины и медицинского права, к.м.н.**

**Аннотация:** проводится масштабная работа с целью достижения эффективности экспертной оценки морфологических изменений ряда органов, в том числе селезенки, в результате острых и хронических отравлений лекарственными средствами. Разработка морфометрических показателей, возникающих в морфофункциональных зонах печени в результате острого отравления лекарственными средствами, количественный анализ изменений в селезенке и судебно-медицинская оценка основных танатогенных стадий при этом отравлении.

**Ключевые слова:** препарат, селезенка, патоморфологические изменения, отравление.

## **CRITERIA FOR FORENSIC MEDICAL EXAMINATION IN DRUG POISONING**

**1.K.I.Ikramov, 2. Sh.I.Ruziev**

**1. Assistant at the Department of Anatomy, Pathological Anatomy, Tashkent Pediatric Medical Institute, (PhD) independent researcher**

**2. Tashkent Pediatric Medical Institute, Professor of the Department of Forensic Medicine and Medical Law, Ph.D.**

**Assistent**

**Abstract:** large-scale work is being carried out to achieve the effectiveness of expert assessment of morphological changes in a number of organs, including the spleen, as a result of acute and chronic drug poisoning. Development of morphometric indicators that arise in the morphofunctional zones of the liver as a result of acute drug poisoning, quantitative analysis of changes in the spleen and forensic assessment of the main thanatogenic stages in this poisoning.

**Key words:** drug, spleen, pathomorphological changes, poisoning.

**Долзарблиги:** Сўнги йилларда олиб борилган тиббий текширишлар маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 1,2 миллиарддан ортиғи гиёҳванд ва психотроп моддаларни қабул қилиши, шундан ҳар йили 100 миллионга яқини наркоманлар рўйхатига киритилиши исботланган. Асосий истеъмол

қилувчиларнинг ўртача ёши 20- 35 ёшгача ташкил этиши ҳам исботланган. Наркоманияга дучор бўлган беморларнинг қариб 50% – ички аъзоларнинг шикастланишидан ўткир захарланиши тўғрисидаги маълумотлар илмий манбаларда келтирилган [2].

Дунёда қатор илмий тадқиқотлар гиёхванд моддалардан, айниқса дезоморфин яримсинтетик наркотик воситалардан ўткир ва сурункали захарланишлар оқибатида бир қатор аъзоларда жумладан талокдаги морфологик ўзгаришларни экспертлар томонидан баҳолаш самарадорлигига эришиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Гиёхванд моддалардан ўткир захарланишлар оқибатида, жигардаги морфофункционал зоналарида руй берадиган морфометрик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, жигарда содир бўлган ўзгаришларни миқдорий таҳлилини ўтказиш, ушбу захарланишда асосий танатоген босқичларини суд - тиббий баҳолашдан иборат. Гиёхванд моддалардан захарланишларни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг механизмини яратиш, касалликнинг асоратларни камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади [3,5].

**Тадқиқотнинг мақсади:** Гиёхванд моддалар билан ўткир ва сурункали захарланишларда ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларни суд тиббий баҳолашни янада такомиллаштириш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Фарғона вилоят филиалида гиёхванд моддалардан ўткир захарланишлар қайд қилинган 29 нафар суд -тиббий экспертиза хулосаларининг таҳлили.


Тадқиқот усули сифатида гиёхванд моддалардан ўткир захарланишларда патоморфологик ва морфометрик кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилди.

**Тадқиқот натижалари:** Барча ўрганилаётган ҳолатларда гиёхванд моддалардан ўткир захарланишларда суд-тиббий экспертиза ташҳислари тўғрилиги ва ҳаққоний бўлиши учун патоморфологик текширувлар натижалари ҳам таҳлил этилган.

Текширувларимиз ўткир захарланиш рўй берган вақтдан бошлаб баённомалар маълумотлари, тиббийёт хужжатларда қайд этилиши маълумотлари ва


ушбу белгиларининг намоён бўлиши бўйича аниқланди, бунда ходиса рўй берган вақтдан бошлаб 48 соатдан ошмаган ҳолатларни ўз ичига олади (1-расм).

Барча ҳолатларда ўтказилган суд кимёвий тадқиқотларда уларнинг биологик суюқликларида гиёҳванд моддаларни летал ва сублетал концентрациялари аниқланди. 11 ҳолатда гиёҳванд моддаси ва турли хилдаги энергетик воситалар бирга келиши аниқланди. 18 ҳолатда эса намуналарида гиёҳванд моддалари ва этанол моддаси аниқланиб, концентрацияси енгил ва ўрта даражадаги мастликка мос келади.



**1-Расм. Воқеа рўй берган вақтдан бошлаб 48 соатдан ошмаган ҳолатлар**

Тадқиқотимизда суд кимё таҳлиллари, анамнестик, математик, шунингдек статистик усуллар ва услублардан фойдаланишга таянадиган тизимли ёндашув асос қилиб олинди.



**2-расм. Текширилувчиларнинг жинсга боғлиқ бўлиниши**

Тадқиқотлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Фарғона вилояти филиалида 19-35 ёшгача бўлган, гиёҳванд моддалардан ўткир заҳарланган 29 нафар шахслар ва уларнинг суд-тиббий текширувлари амалга оширилди, ушбу шахсларнинг 17 нафарини (58,6%) эркаклар, 12 нафарини эса (41,4%) аёллар эканлиги аниқланди. Уларнинг ўртача ёши  $25,2 \pm 2,6$  ёшни ташкил қилди (2- расм).

Ушбу тадқиқотда гиёҳванд моддалардан ўткир заҳарланиш ҳолатларида клиник ва лаборатория тадқиқотлари натижалари таҳлиллари ҳам амалга оширилди.

Гиёҳванд наркотик моддалардан ўткир заҳарланиш ҳолатларида клиник ва лаборатория тадқиқотлари натижаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларни аниқлашнинг энг самарали усуллари токсикологик таҳлил ва газ-суюқлик хроматографияси усули ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади, шунингдек, гиёҳванд моддалардан ўткир заҳарланишлардан кейин кимёвий шикастланишнинг оғирлигини аниқлашни ўз ичига олган.

Тиббий ҳужжатларда келтирилган маълумотларга кўра, гиёҳванд моддалардан заҳарланишларда ўтказилган детоксикацион чоралар қўлланилган. Шу билан бирга, гемодиализ заҳарланишнинг барча ҳолатларида, гемосорбция – 58% ҳолларда, энтеросорбция – 36% ҳолларда ва мажбурий диурез фақат 14%

ҳолларда амалга оширилди. Детоксикацион усулларининг бундай танлови, биринчи навбатда, ушбу усулларнинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади.

Гемодиализ усули сунъий буйрак ёрдамида амалга оширилади ва одатда гиёҳванд моддалардан заҳарланиш учун энг самарали детоксикацион усули сифатида тан олинган. Шу билан бирга, наркотик моддаларининг диализини ошириш учун ишқорий диализ эритмаси қўлланилади, бу эса ушбу усулнинг самарадорлигини оширади. Бироқ, ушбу тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатадики, оғир заҳарланиш ҳолатларида, сурункали наркотик моддаларга қарамликдан азият чекадиган одамларда, ҳатто бу усул кўпинча самарасиз.

**Хулоса:** гиёҳванд моддалардан заҳарланишларда босқичма-босқич ривожланиб борадиган патоморфологик ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар организмдаги функционал ўзгаришлар, организмнинг барча аъзолари бошқарилишини тизимли ишдан чиқиши тўғрисида тахминий фикр юритиш имконини беради. Олинган натижалар суд тиббиёти амалиётида гиёҳванд моддалардан заҳарланишларда, уларни оғирлик даражасини суд-тиббий баҳолашда қўшимча текшириш омили сифатида хизмат қилиши мумкин.

1. Алкоголь в Европейском регионе - потребление, вред и политика //Наркология. – М., 2006. – №3. – С. 24-30.
2. Бабенко. О.В., Агапов В.И., Авхименко М.М. Лечение отравление метиловым спиртом //Медицинская помощь. – 2002. – № 2. – С. 32-34.
3. Воздействие одноатомных спиртов жирного ряда на здоровье детей /Н.В.Зайцева, М.А. Землянова, П.З. Шур, Д.А. Кирьянов //Гигиена и санитария. – М., 2006. – №6. – С. 21-23.
4. Вредные вещества в промышленности: Справочник. Т. 1: Органические вещества /Под ред. Н.В.Лазарева, Э.Н.Левиной. – Л., 1977. – С. 363-374.
5. Судебная медицина: Учебное пособие для вузов. /Под ред. В.В.Томилина. – М., 2001. – С. 142-145.
6. *Солодун Ю.В. и др. Клинико-морфологические параметры героиновой наркомании и связанной с ней патологией. // Судебно-медицинская экспертиза. — М., 2001. — №6. — С. 6-11.*
7. *Праводелова А.О., Бойко А.В. Анализ смертельных отравлений наркотическими и психотропными веществами в Санкт-Петербурге в 2001-2002 годах. // Теория и практика судебной медицины: Труды Петербургского научного общества судебных медиков. — СПб., 2007. — С. 144-146.*

# МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА НАДПОЧЕЧНИКОВ ЧЕЛОВЕКА ПРИ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТОЙ ПАТОЛОГИИ (Обзор литературы)

**Райимбердиев Сухроб Абдухалилович,  
Бахриев Ибрагим Исомадинович,  
Ешмуратов Балтабай**

*Ташкентская медицинская академия, Ташкент*

**Аннотация.** Проведена сравнительная оценка морфофункциональной реакции надпочечников человека в случаях скоропостижной смерти, вызванной острой сердечной патологией и при механической травме. Выявлены морфологические отличия ответной реакции надпочечников. Предпринята попытка их объяснения с позиции асинхронного функционирования парных органов. Предложено использование оценки морфофункционального состояния надпочечников в судебно-медицинской диагностике случаев.

**Ключевые слова:** Заболевания сердечно-сосудистой системы, надпочечники, морфометрия.

**Аннотация.** Ўтқир юрак патологияси ва механик жароҳатлар натижасида тўсатдан ўлим ҳолатларида инсон буйрак усти безларининг морфофункционал реакциясини қиёсий баҳолаш тадқиқотлари ўтказилди. Буйрак усти безларининг жавоб реакциясидаги морфологик тафовутлар аниқланди. Улар жуфт органларнинг асинхрон фаолияти нуқтаи назаридан тушунтиришга ҳаракат қилинди. Мураккаб ҳолатларда суд-тиббий тасхисотда буйрак усти безларининг морфофункционал ҳолатини баҳолашдан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

**Калит сўзлар:** Юрак-қон томир тизими касалликлари, буйрак усти безлари, морфометрия.

**Annotation.** A comparative assessment of the morphofunctional reaction of the human adrenal glands in cases of sudden death caused by acute cardiac pathology and mechanical trauma was carried out. Morphological differences in the response of the adrenal glands were revealed. An attempt was made to explain them from the standpoint of the asynchronous functioning of paired organs. The use of the assessment of the morphofunctional state of the adrenal glands in the forensic medical diagnosis of complex cases is proposed.

**Key words.** Diseases of the cardiovascular system, adrenal glands, morphometry.

Заболевания сердечно-сосудистой системы по частоте стоит на первом месте среди причин скоропостижной смерти. Однако, диагностика смерти в этих случаях бывает крайне затруднительной, особенно при наличии на теле трупа каких-либо повреждений, могущих повлечь за собой смерть. После развития острого сердечного приступа очень часто человек теряет сознание и в результате развивающейся сердечной патологии получает телесные повреждения, которые могут сами по себе повлечь смерть. В таких случаях перед правоохранительными органами возникает вопрос об отношении данных телесных повреждений к причине смерти, но судебному медику ответить на данный вопрос категорично невозможно без использования новых современных методов исследования. Исследованием морфофункционального состояния надпочечников появляются возможности более обоснованного ответа на данный вопрос.

Увеличение случаев скоропостижной смерти в последнее время, как одной из ведущих причин в структуре летальных исходов трудоспособного населения, диктует необходимость дальнейшего всестороннего детального изучения этого явления, всё более принимающее социальное значение [4]. Неожиданное развитие летального исхода на фоне видимого благополучия всегда вызывает подозрение на возможную насильственную природу смерти. Сведения об употреблении перед фатальным исходом лекарственных препаратов, возможные контакты с токсическими веществами, обнаружение алкоголя в биологических жидкостях, и

наконец, наличие повреждений на теле умершего усиливают эти подозрения. Скоропостижному возникновению летального исхода могут предшествовать провоцирующие факторы в виде неблагоприятных климатических метеоусловий, переедание, употребление алкоголя, психоэмоциональное или физическое перенапряжение [6]. При этом сила выраженности провоцирующего воздействия, особенно у лиц пожилого и старческого возраста, не обязательно должна быть значительной. Согласно общепринятому определению понятия «скоропостижная смерть» причиной её возникновения всегда является скрыто протекавшее, реже впервые остро возникшее заболевание. Нозология заболеваний, сопровождающихся возможным развитием скоропостижной смерти, является различной и имеет прямую зависимость от возраста пострадавшего. Если у новорожденных и детей первых лет жизни причинами, наиболее часто вызывающими скоропостижную смерть, являются врожденные пороки развития и острые заболевания дыхательного тракта, то у взрослых в качестве ведущей патологии выступают заболевания сердечно-сосудистой системы – острая или скрыто протекавшая хроническая ишемическая болезнь сердца, симптоматическая и эссенциальная артериальная гипертензия [3].

Следует учитывать значительные сложности судебно-медицинской или патологоанатомической диагностики скоропостижной смерти. У лиц молодого и зрелого возраста в виду кратковременности существования впервые возникшей патологии специфическая морфологическая картина может еще не быть отчетливо выражена и характеризоваться лишь наличием трудно выявляемых с помощью сложных и дорогостоящих методов гистохимических или электронно-микроскопических нарушений [1, 5, 7]. Однако даже при наличии выраженной морфологической картины у лиц пожилого и старческого возраста зачастую выявление ведущей патологии в случаях скоропостижной смерти остается затруднительным в виду значительного числа характеризующих эту возрастную группу полипатий. Использование методов доказательной статистики, регистрирующих наличие относительно патогномоничных признаков, возникающих как результат ответной реакции в высоко реактогенных органах, к которым относятся надпочечники, может помочь в диагностике подобных сложных случаев. Особенности нейроэндокринной регуляции надпочечников и ответная реакция органа на воздействия различного рода, во многом обусловленные его сложным гистологическим строением, до настоящего времени являются поводом для многочисленных исследований. Вполне закономерен значительный интерес к данной проблеме, учитывая роль надпочечников в поддержании системы гомеостаза организма, нарушение работы которой лежит в основе многих заболеваний [5, 8].

Патогенетическая связь ишемической болезни сердца (ИБС) как ведущей причины скоропостижной смерти и морфофункционального состояния надпочечников далеко не во всех случаях является очевидной. Исключение, пожалуй, составляют лишь случаи наличия гормонально активных опухолей надпочечников, обуславливающих развитие симптоматической артериальной гипертензии с опосредованным, вторичным поражением миокарда. В тоже время, не подлежит сомнению роль нейрогуморального фактора в развитии и усугублении острой сердечной патологии. Резкий выброс кортикостероидов и катехоламинов, сопровождаясь острой гипоксией сердечной мышцы, может

закончиться возникновением в миокарде выраженных в разной степени ишемических, некробиотических и даже некротических изменений. Не исключено, что во многом противоречивый характер литературных данных, касающихся морфологического состояния надпочечников при острой ИБС, обусловлен не только особенностями патологического процесса и достаточно лабильным характером изучаемого органа, но и недоучетом возможности асинхронного функционирования надпочечных желез как парного органа с разной степенью выраженности структурно-функциональных изменений в контралатеральных надпочечниках [2].

Нами было проведено морфометрическое исследование 18 пар надпочечников умерших скоропостижной смертью мужчин от различных форм острой ишемической болезни сердца (острая коронарная недостаточность, острый инфаркт миокарда). Категория смерти - ненасильственная, вид ненасильственной смерти - заболевание сердечно-сосудистой системы. Непосредственная причина смерти установлена при вскрытии трупа, гистологического исследования внутренних органов, стандартного судебно-химического исследования. Средний возраст умерших составлял  $41 \pm 3$  лет. Морфологическими показателями функциональной активности надпочечников служили масса органа, масса коркового и мозгового вещества, площадь ядер эндокриноцитов клубочковой, пучковой и сетчатой зон. Измерение проводилось раздельно в правом и левом надпочечнике. Надпочечники взвешивали и методом точечного счета с последующим вычислением процентного соотношения морфофункциональных зон определяли массу коркового и мозгового вещества. В каждой зоне было проведено измерение не менее 30 клеток. Статистическая обработка полученных результатов проведена с помощью пакета программ Statistica 5.0 for Windows. Выбор параметрического или непараметрического метода проводился в зависимости от правильности распределения величин в вариационном ряду. Статистически значимыми результаты считались при  $p < 0,05$ , о выраженной тенденции судили при  $p < 0,1$ .

Результаты исследования показали, что в случаях скоропостижной смерти от острой ИБС масса левого надпочечника (ЛН) была достоверно больше, чем масса правого надпочечника (ПН). Доминирование массы левого надпочечника было обусловлено исключительно реакцией коркового вещества (КВ), масса которого в левом надпочечнике была достоверно больше, чем в правом. Различий в показателях, характеризующих массу мозгового вещества (МВ) левого и правого надпочечников, выявлено не было.

Анализ полученных результатов потребовал выяснения, насколько описанный феномен был обусловлен именно острой сердечной патологией, а не вызван неспецифической реакцией органа на ряд психоэмоциональных и болевых факторов, связанных с периодом агонии. Для решения этого вопроса параллельно было проведено исследование надпочечников мужчин аналогичного возраста, умерших от несовместимой с жизнью механической травмы (13 случаев). Категория смерти - насильственная, вид насильственной смерти - механические повреждения, род насильственной смерти - несчастный случай.

Мгновенная смерть, практически полностью исключая возникновение реакции надпочечников на сам процесс умирания, позволила рассматривать данную группу в качестве своеобразного относительного контроля. В

контрольной группе масса левого и правого надпочечников была практически одинаковой, не было выявлено и статистически значимой разницы массы коркового вещества.

Сравнительный анализ массы надпочечников, проведенный между двумя исследуемыми группами, продемонстрировал существенные различия, также как и в случаях скоропостижной смерти от острой сердечной патологии, обусловленные особенностями функционирования левого надпочечника. Так, масса левого надпочечника в случаях скоропостижной смерти от острой ИБС была статистически значимо выше аналогичного показателя в контроле, в то время как значимой реакции со стороны правого надпочечника выявлено не было. Именно увеличение массы левого надпочечника обусловило в группе скоропостижной смерти от острой ИБС достоверное по сравнению с контролем доминирование суммарной массы левого и правого надпочечников, что проявилось статистически значимыми различиями коэффициента асимметрии ( $p < 0,03$ ).

Исследования показали, что в случаях скоропостижной смерти от острой ИБС площадь ядер эндокриноцитов клубочковой и пучковой зон левого надпочечника была достоверно больше аналогичных показателей правого надпочечника. Реакция эндокриноцитов сетчатой зоны левого надпочечника характеризовалась выраженной тенденцией с аналогичной направленностью.

Микроскопическое исследование миокарда при скоропостижной смерти от острой ИБС позволило определить длительность премортального периода, составлявшего не более 18-24 ч. Поскольку процесс умирания не превышал длительность латентного периода от начала неспецифического действия стрессора в период агонии до появления обусловленных им изменений, то, по-видимому, действительно можно считать, что выявленные нами изменения определяются именно нозологической формой патологии и являются относительно «специфическими» проявлениями острой ИБС.

Однонаправленная реакция адренкортикоцитов клубочковой, пучковой и сетчатой зон в очередной раз подтверждает данные о том, что аденогипофизарный АКГГ в той или иной мере оказывает влияние на всю кору надпочечников, не только стимулируя секрецию кортизола пучковой зоной, но и опосредованно создавая условия для секреции альдостерона в клубочковой зоне и влияя на выработку андрогенов сетчатой зоной. В тоже время с позиции классических представлений о единой системе нейрогуморальной регуляции, осуществляемой из общей системы кровотока, сложно объяснить доминирование функции одного из надпочечников. С этих же позиций невозможно объяснить полученные различия имеющимися особенностями кровоснабжения. Феномен морфофункциональной асимметрии надпочечников, впервые выявленный в случаях скоропостижной смерти от острой ИБС, по-видимому, не только несёт на себе определённые черты специфичности воздействия, но в большей степени отражает общие закономерности асинхронного функционирования парных органов тимико-адреналовой системы. Более зрелые и активированные на момент рождения органы левой половины тела в соответствии с правилом «исходного уровня» в меньшей степени реагируют на фоновые раздражители слабой силы, пребывая в состоянии относительного покоя. Их активация происходит при действии значительных раздражителей большей силы, к которым

в данном случае и относится обуславливающая развитие скоропостижного летального исхода от острой сердечной патологии. Менее выраженная реакция сетчатой зоны, на наш взгляд, может быть объяснима как характером влияющей патологии, так и особенностями функции и регуляции сетчатой зоны, имеющей значительное соподчинение с мозговым веществом надпочечников.

Выявленные в ходе морфологического исследования структурно-функциональные отличия ответной реакции надпочечников в случаях скоропостижной смерти от острой сердечной патологии и несовместимой с жизнью механической травмы могут быть широко использованы в диагностике патологоанатомической и судебно-медицинской практики. Использование предложенного морфометрического подхода оценки состояния надпочечников в совокупности со стандартным танатологическим, гистологическим и судебно-химическим исследованием, во многом позволит решить задачи документального подтверждения вопроса о непосредственной причине смерти.

#### Литература.

1. Автандилов Г.Г. Медицинская морфометрия. М: Медицина 1990, с. 384.
2. Алябьев Ф.В., Падеров Ю.М., Зудова Е.Е., Алябьева С.Ю. Сравнительная характеристика весовых параметров надпочечников у правой, левой и амбидекстров //Актуальные вопросы судебной медицины и экспертной практики. - Новосибирск: Межрегиональная ассоциация "Судебные медики Сибири", 2004. - Выпуск 9. - С. 107-109.
3. Алябьева С.Ю. Клинико-морфологические параллели клинических проявлений артериальной гипертонии и параметров морфофункционального состояния надпочечников //Сиб. мед. журн., 2011, № 1, - С. 91-93.
4. Оганов Р.Г., Масленникова Г.Я. Смертность от сердечно-сосудистых и других хронических неинфекционных заболеваний среди трудоспособного населения России //Кардиоваскулярная терапия и профилактика, 2002, - №3, - С. 4-8.
5. Падеров Ю.М., Алябьев Ф.В., Калянов Е.В., Роговская Ю.В. Статистическая интерпретация некоторых морфофункциональных параметров надпочечников человека в судебно-медицинской диагностике скоропостижной смерти //Вероятностные идеи в науке и философии: Материалы региональной научн. конф. 23-25 сентября 2003 г. Новосибирск, 2003. - С. 186-187.
